

## ЎЗАРО КЕЛИШУВ

8809401

Темир йўлда юк ташиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ҳамда жарималар  
тўловини тўғри амалга ошириш тўғрисида 470

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ номидан юк ташиш хужжатларини қайта ишлаш Тошкент  
технологик маркази бошлиғи Намидов Д. А., кейинчалик матнда ТехПД деб аталади,  
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг 220-ТР 28.12.2021 ишончномаси  
асосида, иккинчи томондан “Farzongaʻzot” AJ boshqaruvi cheti  
A.T. Salijanova, кейинчалик матнда мижоз деб аталувчилар куйидагилар тўғрисида  
келишдилар.

## 1. Келишув мазмуни.

- 1.1. Мазкур келишув томонлар ўртасида юк ташиш билан боғлиқ бўлган темир йўлда юк ташиш хизмати, қўшимча хизмат, шу жумладан келишилган (договорной) тарифлар бўйича, ҳамда жарималар тўлови тартибини ўрнатади, лекин юк ташиш шартномаси деб ҳисобланмайди.
- 1.2. Ушбу келишув “railway.uz” сайтида рўйхатдан ўтиш йўли билан тузилади ва имзолаш учун электрон-рақамдан (ЕЦП) фойдаланилади.
- 1.3. Темир йўл транспортида юк ташиш шартномаси деб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 711-моддаси, темир йўл Устави ва СМГС қоидалари билан белгиланган хужжат (транспорт юк хати, қонасамент ёки юкка доир бошқа хужжат) ни тузиш ва уни юк жўнатувчига топшириш йўли билан тасдиқланади.

## 2. Ҳисоб-китоб тартиби.

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси “Темир йўл тўғрисида”ги Қонуни, СМГС ва Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставидан келиб чиқадиган темир йўлда юк ташиш хизмати, қўшимча хизмат, шу жумладан келишилган (договорной) тарифлар бўйича тўловлар, ҳамда жарималар тўлови ҳисоб-китоби ва уни тўлаш учун мижозга тақдим этилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 2.2. Тўлов ҳақларини ҳисоблаш, тўловга тақдим этиш, юклаш ва ташириш пайтидаги амалдаги коэффициентларни қўллаш билан, белгиланган қўшимча қиймат солиғи миқдорини инобатга олган ҳолда темир йўл тарифи бўйича амалдаги №1 сонли Тариф йўриқномаси (прейскурант 10-01), “Ўзбекистон темир йўллари” Тариф Сיעсати асосида амалга оширилади.
- 2.3. Мижоз кўрсатиладиган темир йўл хизмати ва ташиш ҳақи тўловини олдиндан 100% миқдорида амалга оширади. Агар кўрсатилган темир йўл хизматлари олдиндан тўланган пул миқдоридан бир мунча кўп бўлса Мижоз тўловнинг қолган қисмини қарздорлик юзага келган кундан бошлаб уч кун ичида тўлаб бериши лозим.
- 2.4. Мижоз томонидан амалга оширилган тўловлар тенг миқдорда пропорционал тартибда кўрсатилган темир йўл хизматлари (юк ташиш ва қўшимча хизмат учун тўловлар, шу жумладан келишилган (договорной) тариф), жарималар ва устама ҳақ (пеня) учун тақсимланади.
- 2.5. Мижоз ҳисобот ойи учун ҳисоб-фактураларни [faktura.uz](http://faktura.uz), [www.didox.uz](http://www.didox.uz) бошқа хужжатларни (лицевой счетлар, переченлар, вагонларни узатиш ва қайта йиғиштириб олиш ведомостлари (ведомости подачи и уборки вагонов) ҳар хил йиғимлар учун йиғма қарточкалар (накопительная карточка для дополнительных сборов) ва бошқалар) таянч темир йўл бекатидан ёки ТехПДдан ишончнома асосида олади.
- 2.6. ТехПД орқали қилинган ҳисоб-китоб натижаларини солиштириш лозим бўлган ҳар бир ҳолатда, лекин ҳар чоракда бир маротабадан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади ва солиштирма далолатнома тузилади.
- 2.7. Натижаларни солиштириш учун мижоз ТехПДга ҳисобланган ва тўланган тўловларни тасдиқловчи хужжатларни (переченлар, лицевой счетлар, ҳисоб-фактура ва бошқалар) тақдим этади.

## 3. Томонлар жавобгарлиги.

- 3.1. Ушбу келишув талабларини бажариш жараёнида томонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, моддий жавобгарликлари Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави ва бошқа норматив хужжатлар асосида ҳал этилади.
- 3.2. Белгиланган тўлов суммасини мижоз томонидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмасдан ўтказиб юборилганлиги натижасида пайдо бўлган муддати ўтган дебитор қарзнинг ҳар бир тўланмаган куни



- 3.2. учун қонунда белгиланганидек 0,4 % ҳисобида, асосий қарздан 50% миқдоридан ошмаган ҳолда пеня ҳисобланади. Пеня ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий- ҳуқуқий базаси" тўғрисидаги Қонунининг 25-32 моддаларига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги №ПФ-1154 сонли "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ амалға оширилади. Дебитор қарздорликни бартараф этиш ушбу келишувнинг 2.4. бандига асосан амалға оширилади.
- 3.3. Мижоз қаттиқ назоратдаги ташиш ҳужжатларининг йўқолгани ёки бузилгани учун "Ўзбекистон темир йўллари" АЖда белгиланган тартиб ва миқдорда моддий жавобгар бўлади.
- 3.4. Томонлар ўзаро Келишувда кўрсатилган барча маълумотларнинг ҳақиқийлигига ва тўғрилигига жавобгардир.
- 3.5. Мижоз темир йўли қорхонанинг мақоми, номи, банк реквизитлари ва бошқа ўзгаришлари ёки тугатилиши, қайта ташкил қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ва муддатларида хабардор этиши шарт.
- 3.6. Мижоз темир йўл томонидан кўрсатилган хизматлар учун амалға ошириладиган якуний ҳисоб-китобларни қорхона тугатилганича ёки тадбиркорларнинг рухсатномаси ва бошқа ҳужжатларни амал қилиш муддати тугагунича тўлаши шарт.
- 3.7. Мижоз ҳисобидаги қолдиқ пул миқдори унинг "Ўзтемирйўлҳисоб" марказига йўллаган хатига кўра қайтарилади. Аризаға тегишли ТехПД билан имзоланган солиштирма далолатнома, ТехПДнинг пулини қайтариш тўғрисидаги билдиргиси, ТехПДға ўтказилган сўнгги тўлов топшириқнома нусхаси илова қилинади. Қайтариладиган қолдиқ пул миқдори қайси юридик шахс томонидан ТехПДға тўланган бўлса, фақатгина шу юридик шахс қорхона ҳисоб-рақамиға қайтарилади.

#### 4. Низоларни бартараф қилиш.

- 4.1. Мазкур келишув ижросидан келиб чиқадиган низолар музокара йўли билан ҳал этилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставида белгиланган тартибда ҳал этилади.
- 4.2. Мазкур келишув ижросидан кеоиб чиқадиган даъво аризалари тегишли ТехПДлар жойлашган ҳудуддаги Иқтисодий судларда кўриб чиқилади.

#### 5. Бошқа шартлар.

- 5.1. Ўзаро келишув иккала тараф учун 2 нусхада тузилиб, ҳар бири тенг юридик қучға эгадир.
- 5.2. Мазкур Келишув 2022 йилнинг 31 декабрь кунини ҳисобға олган ҳолда амал қилади. Агар тарафлардан бири ёзма равишда келишувни бекор қилиш мақсадида мурожаат этмаса, келишув келаси йилға узайтирилган деб ҳисобланади. Шу билан бирға-бажарилмай қолган мажбуриятлар, қолдиқ пул маблағи, ушбу келишув асосидаги тугалланмаган ўзаро ҳисоб-китоблар келгуси йилға ўтказилади.
- 5.3. Келишувни бекор қилиш тарафлардан бирининг ёзма талабига асосан дебитор ва кредиторлик қарздорликлари бўлмаган ҳолда, бекор қилиниши мўлжалланган муддатдан камида 30 кун аввал иккинчи томонни огоҳлантириш йўли билан амалға оширилади.

#### 6. Томонлар юридик манзил ва банк маълумотлари.

Мижоз

ТехПД

6.1. Мижоз 100108 АО Фарғона асқот  
(мижознинг тулик номи)

6.1. Тошкент Технологик маркази

ОКПО \_\_\_\_\_ ОКЭД \_\_\_\_\_ (вазирлик коди) \_\_\_\_\_

АЖ «УТЙ»

6.2. Банк номи San'at qurilish МФО 00524

ОКПО 01060292 ОКЭД 49200 Код.ми-ва 30

6.3. Х/р 10210000400600315015 ИНН 100202440

6.2. Банк номи Мирабад филиал НБВЭД

6.4. Юк ташиш ва тушириш бекати Билок

Тошкент ш. МФО 00875 инн 201051951

6.5. Таянч темир йўл бекати Обнос

6.3. Х/Р 20210000400600315015

6.6. Манзил \_\_\_\_\_

Манзил 100015 Тошкент ш. Туркистон куч. 7

\_\_\_\_\_ телефон рақам 43242-66-14

Телефон рақам (71)2999773, (71)2999946

6.7. Мижоз гувоҳномаси ва қорхона таъсис ҳужжатларининг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_

e-mail: [Toshkentexpd@mail.ru](mailto:Toshkentexpd@mail.ru)



Клиент

М.П.



ТехПД

Handwritten signatures and stamps at the bottom of the document, including a large blue signature and a red stamp.